

**Қодирова Зулайхо Абдухалимовна
ТДШИ, ўқитувчи**

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МЕҲНАТ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Илмий мақолада Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви таҳлил қилинган ва бу борада истиқболдаги йўналиш ва тенденциялар бўйича илмий хуносалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: халқаро меҳнат бозори, меҳнат мигранти, пул ўтказмалари, ноқонуний миграция, “қора ишчи”, халқаро конвенция, интеграция.

ПЕРСПЕКТИВЫ ИНТЕГРАЦИИ УЗБЕКИСТАНА В МЕЖДУНАРОДНЫЙ РЫНОК ТРУДА

В статье анализирована интеграция Узбекистана в международный рынок труда и разработаны научный выводы по перспективным направлениям и тенденциям в данной сфере.

Ключевые слова: Международный рынок труда, трудовой мигрант, денежные переводы, нелегальная миграция, “гастербайтер”, международная конвенция, интеграция.

PERSPECTIVES OF INTEGRATION OF UZBEKISTAN INTO INTERNATIONAL LABOR MARKET

The article analyzes integration of Uzbekistan into international labor market and develops scientific conclusions of directions and tendencies in this sphere.

Keywords: international labor market, labor migrant, money remittances, illegal migration, “blue collar workers”, international convention, integration.


Ўзбекистон Республикасининг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашув истиқболларини баҳолаш ва таҳлил қилишда мазкур жараёнларнинг бугунги кунда ва келажакда мамлакатимиз ҳамда жамият ҳаётидаги аҳамияти, у билан боғлиқ тенденцияларнинг ўзгариши, унинг аҳоли ҳаёти ва турмуш даражасидаги ўрни ва роли, кишиларнинг унга бўлган муносабати ва кайфиятини ўрганиш ҳамда бу борада хуносалар чиқариш заруриятини туғдиради.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ривожланиш суръатлари, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларининг модернизациялашуви, ислоҳотлар натижасида тармоқлар таркибидаги ўзгаришлар, ишлаб чиқариш

ва бошқариш соҳасига замонавий техника ва технологияларнинг кириб келиши, меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг ўзгариши -миллий меҳнат бозоридаги босимнинг ортишига олиб келди. Бу борада Д. Расулова аҳолининг табиий кўпайиши ва чекка худудлардан келаётганлар салмоғининг катталиги туфайли меҳнатга лаёқатли кишиларнинг сони ортиб, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва ундан оқилона фойдаланиш муаммоси келиб чиққанини таъкидлайди.¹

Юзага келган вазиятни самарли тартибга солиш мақсадида давлат томонидан янги иш ўринларини яратиш, кадрларни қайта тайёрлаш, тадбиркорлик ва хусусий бизнес учун кенг имкониятларни жорий қилиш, хорижий инвестицияларни жалб қилишни қўллаб-куватлаш билан бир қаторда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини шакллантириш ва ривожлантириш чора- тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, ҳозирги даврда ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам халқаро меҳнат миграцияси жараёнларида фаол иштирок этиши ва ундан самарали даражада фойда кўриши тобора кенгаймоқда. Жаҳон хўжалигида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган Ўзбекистон ҳам халқаро меҳнат бозорига фаол интеграциялашиб бормоқда.

Бугунги кунда ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари АҚШ, Европа, Шарқий Осиё ва Форс кўрфази мамлакатларида фаолият кўрсатсаларда, аммо Ўзбекистоннинг Корея Республикаси ва Россия Федерацияси билан бу соҳадаги расмий равишдаги фаол ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Хусусан, бу борада Ўзбекистон ва Корея ўртасида 1995 йилда “Саноат стажировкаси” дастури асосида, 2006 йилда эса, “Эркин ёллаш тизими” дастури асосида ўзбекистонлик меҳнат мигрантларини Кореяга ишлаш учун юбориш тўғрисидаги келишувлар имзоланди.




1-расм. Ўзбекистондан Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги орқали Кореяга юборилган меҳнат мигрантлари сони, киши (2007-2016 йиллар)²

¹ Д.В.Расулова. Ишчи кучи миграциясининг назарий асослари.Монография.Т.2010.Б.103.

² Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

2007 йилда эса, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида меҳнат миграцияси тўғрисидаги келишув, ҳамда ундан сўнг ноқонуний мигрантларни депортация қилиш, ноқонуний миграцияни олдини олиш ва меҳнат мигрантларининг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига багишланган келишувлар кучга кирдиз. 2017 йилдан бошлаб икки мамлакат ўртасидаги меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг меъёрий-хуқуқий асослари янада кучайтирилиб, ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари маҳсус тайёргарликдан ўтган ҳолда Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини амалга оширишлари белгилаб олинди.



2-расм. Ўзбекистон Республикасидан Россия Федерацияси томон соғ миграция сальдоси, киши (2001-2015 йиллар)⁴

2015 йилдан Ўзбекистон ва Япония ўртасида меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳакмкорлик йўлга қўйилиб, унга асосан ўзбекистонлик меҳнат мигрантларини Япониядаги саноат соҳаларига ишлаш учун юборишига келишиб олинди. 2016 йилдан эса, ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари Польшадаги қурилиш соҳаларига жалб қилина бошланди.

Келажакда Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёш жиҳатдан маълум бир ўзгаришларнинг кузатилишига қарамай, ҳалқаро классификация бўйича у аҳолиси ёш бўлган мамлакатлар қаторида қолаверади. Шундай экан, кейинги йиллар давомида ҳам мамлакатнинг ҳалқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви давом этади ва бизнинг фикримизча, унинг истиқболлари қуидаги йўналишларда ўз аксини топади:

1. Ўзбекистонда ташқи миграция жараёнлари сўнгги йигирма йилдан бери ривожланмоқда ва кенгаймоқда. Мазкур жараёнларнинг кейинги йиллар давомида юқори бўлмаган суръатларда бўлса ҳам ривожланиши ва кенгайиши жамият ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этиб боради. Бу борада проф.Б. Умурзаковнинг "...табийки дастлаб ишчи кучи экспортига қарши бўлганлар учраши мумкин. Бироқ ҳозирча, аҳоли бандлиги ва янги иш

³ www.uzembassy.ru

4Манба: Федерал миграция хизмат маълумотлари www.fms.gov

ўринларини яратиш жараёнлари барқарор ҳарактерга эга бўлмас экан, меҳнат миграцияси давом этади.”⁵ деган мулоҳазалари ҳам фикримизни тасдиқлайди.

2. Кейинги йиллар давомида АҚШ ва Европа мамлакатларидаги иммиграцион қонунчиликнинг кескинлашиб бораётганлиги ва Россия Федерацияси иқтисодиётининг бекарор тусга кириб бораётганлиги, аксинча Ўзбекистондаги иқтисодий ҳолатнинг барқарорлашиб бораётганлиги мамлакатимиздан доимий яшаш учун чиқиб кетувчи мигрантлар суръатларининг қисқаришига олиб келади деб ҳисоблаймиз. Бу масалада демограф Б.Ата-Мирзаевнинг “Келажакда Ўзбекистонда чиқиб кетувчилар оқими қисқаради, бу бевосита Республика аҳолиси сони динамикаси ва унинг ўсиш суръатларида ўз аксини топмоқда”⁶ деган фикри ҳам мавжуд бўлиб, бу борада олим йил сайин меҳнат мигрантлар оқимининг аввалги йилларга нисбатан унчалик катта бўлмаган суръатларда бўлса ҳам қисқариб бораётганига ишора қилган ва бу қарашлар узоқ муддатли истиқболда ўз исботини топади деб ҳисоблаймиз.

3. Ўзбекистондан хориж мамлакатларига кўчиб ўтаётган аҳоли ўз менталитети хусусияларидан келиб чиқсан ҳолда у ерда узоқ муддат давомида қолиш ва яшаш учун эмас, балки қисқа муддат давомида ўзининг моддий ва молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида бориб, яна қайтмоқда. Ҳозирги даврда мамлакатда халқаро меҳнат миграцияси ҳажмининг ошиб бораётганига қарамай, ўзбекистонлик маҳаллий туб аҳоли ўзининг тарихан туғилиб ўсган юртида яшашни афзал кўришади. Л.Максакова томонидан ўтказилган социологик сўровнома натижаларида ҳам туб аҳолининг Россия ва Қозоғистон каби бошқа мамлакатларга доимий яшаш учун эмас, балки қисқа муддат давомида даромад топиш мақсадида боришни исташлари маълум бўлган.⁷

4. Кишиларнинг меҳнат миграциясини амалга оширишларига сабаб доим ҳам уларнинг ишсизлиги ёки иқтисодий ноchorлиги эмас, балки хорижда яшаётган яқин қариндошлари ва танишларининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан уларга нисбатан яхшироқ ва тўқисроқ хаёт кечиришларига бўлган ҳаваслари билан ҳам боғлиқ бўлган жиҳатлари бор деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли ҳам аҳоли орасида айнан уларнинг қариндошлари ва танишлари яшайдиган ва ишлайдиган мамлакатларга бориб ишлаш истаги юқорироқдир.

5. Меҳнат мигрантларини жалб қилувчи мамлакатнинг тили ва маданиятининг унга яқинлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари табиийки Россия Федерацияси ёки бошқа

5 Б.Умурзаков.Организационно-правовые основы регулирования трудовой миграции в Узбекистане // Xalqaro munosabatlar. №2. 2008. Б.53.

6 О. Ата Мирзаев. Демографическая ситуация Узбекистана и ее перспективы // Общественное мнение: Права человека. 2014. №.3 (67).С.67.

7 Л.Максакова.Эмиграционные и иммиграционные потоки в современных миграционных процессах в Узбекистане//Материалы международной конференции.Демографическое развитие:Вызовы глобализации.Седьмые Валентеевские чтения. М.2012. С.205.

МДХ мамлакатларини афзал кўрмоқдалар. Кўп йиллик умумий тарихимиз, ўзаро савдо, иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда рус тилида сўзлаша олиш каби омиллар мазкур мамлакатлар ўртасида меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини кейинги йиллар давомида ҳам барқарор давом этишига сабаб бўла олади. Аммо сўнгги йиллар давомида Россия Федерациясининг иммиграцион қонунчилигида меҳнат мигрантларига нисбатан талабларнинг кучайтирилиши ҳамда меҳнат бозорига кириб келаётган ўзбекистонлик ёшларнинг аввалги авлодлардан фарқли равишда рус тилида яхши сўзлаша олмаслиги кейинги йиллар давомида Россия томон меҳнат миграцияси суръатларининг аввалги йилларга нисбатан қисқаришига олиб келиши мумкин. Ўз навбатида глобаллашув жараёнлари натижасида кишиларнинг онги ва дунёқарашидаги ўзгаришлар эндиликда уларни тил ва маданиятидан бутунлай бехабар бўлган, аммо ривожланиш ва турмуш даражаси юқорироқ бўлган мамлакатларга бориб ишлашни афзал кўришларига сабаб бўлмоқда. Бу борада айниқса рус тилида яхши сўзлаша олмайдиган ёш меҳнат ресурслари рус тилини ўрганиб, Россия Федерациясида қурувчилик ва қишлоқ хўжалиги каби мавсумий ишларга эмас, балки корейс, япон ва инглиз тилларини ўрганиб ривожланиш даражаси юқори бўлган Европа, АҚШ, Б.А.А., Корея ва Япония каби мамлакатларга ишлашга бормоқдалар. Ўз навбатида Корея ва Япони каби техник соҳаларда меҳнат ресурслари тақчиллигига учраган мамлакатлар ҳамда Ўзбекистон учун касб -хунар коллежларини битирган ёшларни тил бўйича имтихонлардан ўтказиб, мамлакатлараро шартномалар бўйича бориб ишлаб келишлари қулай аҳамият касб этади.

6. Ўзбекистоннинг Корея, Россия ва Япония каби миграция соҳасидаги ҳамкорлик алоқларини ривожлантиришга қаратилган келишувларни имзолаши ҳамда меҳнат мигрантларини маҳсус тайёрғалик босқичларини ўтаб бўлгандан сўнгина уюштирилган ҳолда экспорт қилиниши мамлакатимизнинг ҳалқаро меҳнат бозорида нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатдан ҳам ўз ўрнига ва аҳамиятига эга бўлишида муҳим роль ўйнайди деб ҳисоблаймиз. Бунинг натижаси ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари хорижда қурувчилик, қишлоқ хўжалиги каби оғир ва мавсумий ҳамда бекарор иш ўринларида эмас, балки юқори технологик тараққиёт билан ҳамоҳанг ривожланаётган саноат ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш ва бошқариш соҳаларида муносиб меҳнат қилиш шароитларида фаолият кўрсатишлари ҳамда бу соҳадаги янги ютуқ ва ўзгаришларни ўзлаштиришлари лозим.

Шунингдек мамлакатдан чиқиб кетувчи миграция оқимларини диверсификация қилиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, хорижда ишлаш ниятидаги ўзбекистонликлар учун АҚШ, Канада, Германия, Голландия, Норвегия, Саудия Арабистони, Катар, Кувейтда расмий равишида ишга жойлашиш потенциали юқори бўлиб, уларнинг юқори технологик тармоқларда банд бўлиши касбий билим ва кўникумларининг ошишига сабаб бўлади. Масалан, АҚШда хизмат

кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик, тиббиёт соҳаларида, Канадада қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, телекоммуникация, дастурлаш, тиббиёт, катта ёшлиларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаларида, Германияда дастурлаш, телекоммуниципия, саноат корхонлаларида, Саудия Арабистони, Қатар ва Қувейтда эса нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат ресурслари танқислиги кузатилади.

Миграция оқимларини диверсификация қилиниши учун қуйидаги қуйидаги масалаларни ечими муҳим аҳамият касб этади:

1.Халқаро миқёсда: БМТнинг меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоялаш тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш; Халқаро миграция ташкилотига кириш;Меҳнат миграциясини тартибга солиш борасида хориж мамлакатлари билан икки томонлама келишувларни изоҳлаш;Меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги халқаро келишувларни имзолаш;

5. Миллий миқёсда: Миграцияга тегишли бўлган норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш, миллий қонунчиликда халқаро нормаларни жорий қилиш; Меҳнат миграцияси оқимларини тартибга солишнинг самарали усул ва механизmlарини ишлаб чиқиш;Меҳнат бозорида меҳнат мигрантларининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида маҳсус ўқув тайёрлов курсларини ташкил этиш; Миграция инфратузилмасини ривожлантириш;Айниқса минтақаларда меҳнат миграциясининг хуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий аспектлари ҳақида маълумот берувчи информацион-консультатив марказларни ташкил этиш; Хориж мамлакатларида қонуний асосда иш билан банд бўлиш имкониятлари ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш;Ўзбекистоннинг хориж мамлакатларидаги вакилликларини миграция масалаларини ҳал қилишда кўмак бериш мақсадида ривожлантириш⁸.

7.1990 йилларнинг икинчи ярми ва янги аср бошида ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари фақатгина оилаларининг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида хар қандай оғир ва “қора иш”ни бажаришга тайёр бўлган бўлсалар, бугунги ҳолат ундей эмас. Сўровномалар натижасининг таҳлили респондентлар меҳнат миграциясига фақатгина кундалик рўзғор тебратиш учун даромад топиш мақсадида эмас, балки турмуш даражасини янада яхшилаш, ўз орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш, ўз устида ишлаши ва ривожланиши ҳамда тараққиётдан ортда қолмаган ҳолда ҳаёт кечириш мақсадида интилмокдалар, деган хуносага олиб келади¹⁰. Бу борада ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг халқаро даражадаги касбий тайёргарлиги, меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган кўникмалари йўқлиги

⁸Ш.Исакулов.Диверсификация направлений миграционных потоков//Халқаро муносабатлар. №1. 2013.Б.34

⁹Ўша жойда.

¹⁰ 2014 йилда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига “Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви” мавзусидаги тадқиқот доирасида ўtkazilgan сўровнома натижалари таҳлили

ҳамда хорижий тилни яхши билмаслиги улар учун хориж мамлакатларида юқори иш ҳақи билан таъминловчи иш жойларини излашларига тўсқинлик қилмоқда деган фикрлар ўринлидир¹¹. Дарҳақиқат, хорижда паст малакали ишларни бажарувчи меҳнат мигрантларининг аксарият қисмини касбий тайёргарлиги паст бўлган, хорижий тилни билмайдиган, психологик ва маънавий жиҳатдан ўз устида ишлашдан ва интилишдан тўхтаган кишилар ташкил қилишини кузатиш мумкин. Келажақда Ўзбекистон халқаро меҳнат бозорига кўп сонли “гастербайтерлар” билан эмас, балки замонавий талабларга жавоб берадиган, хорижий тил ва ахборот технологияларини яхши биладиган, инновацион ижодкорлик қобилиятига эга бўлган малакали меҳнат ресурслари орқали иштирок этишига эришиш мақсадга мувофиқ. Айнан меҳнат ресурслари хориждаги янги билим ва кўникмаларни ўзлаштириб, мамлакатга олиб келиши орқали жамиятнинг технологик ва интелектуал тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, халқаро меҳнат бозорида фойда олиш имкониятларига қарамасдан, Ўзбекистоннинг ушбу жараёндаги иштироки ҳозирга қадар унинг потенциал имкониятларига мувофиқ келаётгани йўқ, халқаро ишчи кучи оқимларининг мунтазам кенгайиб бориш жараёнларига ҳозирча етарли даржада қўшилиб олган эмас¹². Ваҳоланки, миграция жараёнларини самарали бошқариш орқали меҳнат ресурслари экспорти мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ахоли турмуш даражасини ошириш стратегиясини амалга оширишга ёрдам берувчи муҳим воситалардан бирига айланиши мумкин.

Ўзбекистондан меҳнат ресурсларини экспорт қилиниши мамлакатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қўйидаги ижобий ҳолатларнинг юзага келиши учун асос яратади:

1. Аҳолини иш билан бандлиги таъминлаш муаммосининг вақтинчалик енгиллашишига ва ижтимоий босимнинг камайишига олиб келади;
2. Аҳоли учун даромад манбайнинг шаклланиши билан бирга улар хорижий тажриба ва кўникмага, ҳамда янги ғоя ва қарашларга эга бўлиб қайтадилар;
3. Хорижда меҳнат қилиш мақсадида аҳолининг хорижий тилни ўрганиш ва маҳсус касбий тайёргарликка эга бўлиш иштиёқи ортади ва у ўз устида ишлашни бошлайди;
4. Меҳнат мигрантларининг пул ўтказмалари мамлакатда хусусий бизнеснинг ривожланиши ва мигрантлар учун узоқ муддат ҳизмат қиласиган даромад манбайнинг шаклланиши учун асос яратиши мумкин;

Хулоса қилиб айтганда, келажақда Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви давом этади, аммо кейинги йиллар давомида бу алоқалар сон жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан янгича аҳамият касб

¹¹ Ш.Исакулов.Диверсификация направлений миграционных потоков // Xalqaro munosabatlar. №1.2013.Б.34.

¹² Д.В.Расурова. Ишчи кучи миграциясининг назарий асослари.Т.2010.Б.123.

эта бошлайди. Миграция жараёнларида иштирок этувчи меҳнат ресурслари учун тил, маданият, тарих ва бошқа жиҳатлари умумий бўлган ҳамда таниш ва қариндошлари истиқомат қилаётган мамлакатларга бориб ишлаш истаги юқорилигига қарамасдан, шундай хусусиятга эга бўлган Россия Федерацияси ва Қозогисон Республикаларига йўналтирилган меҳнат миграциясининг ҳажми қисқаради. Бу ҳолатни бевосита ўсиб келаётган меҳнат ресурсларининг янги авлоди рус тилини яхши билмаслиги ҳамда улар учун мазкур мамлакатларда аксарият ҳолатларда оғир жисмоний меҳнат билан боғлик ишларнинг таклифи уларни қониктирмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Чунки, юқорида таъкидланганидек аввалги йиллардан фарқли равишда хозирги иқтисодий ривожланиш даврида кишилар меҳнат миграциясини фақатгина бир амаллаб рўзғор тебратиш учун эмас, балки ўзини ўзи ривожлантириш, янги билим ва қўнималарга ҳамда кенгроқ имкониятларга эга бўлиш, орзуларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ватанида ўз бизнесини ривожлантириш ва доимий равишда юқори турмуш даражасига интилиш мақсадида амалга оширмоқдалар. Шундай экан, истиқболда Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашувида миграция оқимларининг диверсификациялашуви, яъни мамлакатнинг бу борадаги ҳамкорлари қаторидан узоқ хориж мамлакатлари ҳам ўрин эгаллиши кузатилади.